«Максам-Чирчиқ» АЖда хотин-қизлар билан мулоқот бўлиб ўтди

// 27.09.2024
https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/maksam-chirchiq-azhda-hotin-qizlar-bilan-muloqot-bulib-utdi

Бугун «Максам-Чирчиқ» акциядорлик жамиятига Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпибоева ташриф буюрди.

Корхона мажлислар залида жамиятда фаолият юритаётган хотин-қизлар билан мулоқот бўлиб ўтди.

Унда «Максам-Чирчиқ» АЖ бошқаруви раиси Х.Сайдахмедов, «Ўзкимёсаноат»АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчиси С.Абдурахманова ҳамда корхона хотин-қизлари иштирок этишди. Тадбирда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш муҳим масала эканлиги, шу боисдан юртимизда оила ва хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб хайрли ташаббуслар амалга оширилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Самимий руҳда ўтган мулоқот жараёнида хотин-қизлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

«Максам-Чирчиқ» АЖ Матбуот хизмати